



## ШАЪНИНГГА ШЕЪР ИЗЛАЙМАН, ВАТАН!

Мен бир шеър излайман,  
хар куни бир бор,  
Хар кун ўн бор, юз бор  
айтардим, калбдан.  
Навоий шаънингга  
битса гар ашъор,  
бугун мадх айласа,  
арзийсан Ватан!

Чўкиларда тугён —  
пурвикор, аъзам.  
Сени таърифлайди  
минг йилдан буён.  
Мен бир шеър излайман,  
унда бўлса жам  
Тоглар багридаги  
ватанпарвар кон.

Милён, милён одам  
келди, кетдилар.  
Ёзмокка такозо килмай  
вазият.  
шу Ватанга меҳр  
изхор этдилар —  
Кўкларда у маъсуд,  
шеърий васият.

Не-не китъаларда  
хилпираб ял-ял  
Шеър айтди, сен тиккан  
мукаддас байрок.  
Тинчликка зор эллар,  
бокканин зархал,

Олтин мисраларда  
лозим шархламок...

Нур балқди.  
Ватан кад кўтарди, музаффар.  
Ер шарин айлади,  
мунаввар, кўркам.  
Мустакиллик тожи,  
минг йил мукаррар,  
Толе куёшидир,  
бошингда ўлкам.

Сен-озодлик истаб  
ёнган кўздаги  
Сени дуо этган, севган,  
алкаган.  
Борлигиндан бахтли,  
хуррам юздаги  
Меҳру мухаббатдан  
юксалдинг, Ватан!

Темур бобом учун,  
хикмат берилиб,  
Тирилмогин Худо  
этса ихтиёр.  
Сохибкирон бугун  
магрур керилиб,  
Киларди эй, Ватан  
сендан ифтихор.

Аммо ишонаман  
шу юртдан ўтган  
Азиз авлиёлар  
арши аълода,  
Жамулжам бўлишиб,  
сен учун Ватан  
Туну кун дуода,  
хамду санода.

Жахон минбарлари,  
шоҳсупалари,  
Сахнасида номинг  
янграган махал.  
Гулдурос карсаклар,  
олкишлар бари,  
Шону-шавкатингга

тиклади хайкал!

Кеча эрксиз эдинг,  
килдим таъналар  
Кўшилиб йиглашни  
ўйламаганман.  
Бугун юртда экан,  
тўй-тантаналар  
Нахот, севинмокни  
уддаламасман.

Ватан, сен лойиксан,  
Хазрат Навоий  
Бугун улугласа,  
шарафлаб шеърда.  
Ёки камолингни  
кўриб, фидойи  
Янги Навоийлар  
тугилса эрта.

Яшар ва курашар  
хар ким аҳд билан  
Бугун бор, эртага  
бўлмасман, аммо  
Энг гўзал у шеърни  
жону жаҳд билан  
Шаънингга айтмасдан  
ўлмасман, асло!

## **ХОРИЖДА**

Жиринглар кўнгирок, салом кандайсан?!  
Сухбат давом этар, чўзилар узок...  
Дехлида эканим, мен хам айтмайман  
Сўз мавриди келса айтаман бирок.

Нетай сафардаман. Нима фарки бор?!  
Хинд хам ўзимиздай, хамма хам одам.  
Тошкентни Дехлига алишмам зинхор.  
Алмашмок истаган эмас улар хам.

Кўшнига телефон килган сингари  
Лондонга боғланмок мумкин бир зумда.  
Кафтдай бўлиб колди, бутун Ер шари  
Бугун ўзбеклар бор, Парижда, Римда.

Баъзи мамлакатнинг рахбари каззоб,  
Улар кизганади давлатларини.  
Химоя дейди-ю, беради азоб,  
Тамбалаб юртининг сархадларини.

Инсон нима истар, дўстлик истайдир  
Кардошлик, фарогат, бахт истар факат  
У меҳнат килар ва яхши билгайдир,  
Инсонийлик — миллат, муҳаббат — миллат.

Хар кишининг юрти, ирки бошқадир  
Инсон йўк тилидан, динидан тонган.  
Аммо хар жойда бир, инсоний кадр  
Таркаган ҳамма бир ота-онадан.

Ёлғиз, якка турган эл бутун элмас,  
Хар кимга бўлса ҳам кондоши суюк  
Ўзгани хўрлаган, камситган эмас,  
Барчани тенг кўрган, одамлар буюк.

Дехли кўчасида юрибман, бекман,  
Каддим тик, сўзим сўз, азиз меҳмонман.  
Чунки, мен келганман, олам тан берган,  
Барча элларга дўст Ўзбекистондан.

## ЎЗБЕК

Ўзбекка кўл кўтарганга, тинчлик сўрайди ўзбек  
Зотан ҳақкин бировларга бериб кўймас ҳеч қачон.  
Зотан ўзи буюк халқдир, тенглик сўрайди ўзбек  
Зотан уни жанггоҳларда енгиб бўлмас ҳеч қачон.

Қайда ўзбек борки бари бир жон, бир тан, бир миллат  
Ер юзига сочилган бебаҳо маржон эрур.  
Бир ўзбек этагига ёпишса бирор иллат  
Милён-милён ўзбекнинг юрак багри кон эрур.

Икки дўст орасига ораласа адоват,  
Нобакорнинг кингир иши, жабри офат дардликдир.  
Ярат гандан касос эмас, сўрамоқлик адолат  
Ўзбекка ҳос буюкликдир, сабр-у тоқат, мардликдир.

Ўзбекка кўл кўтарганга тинчлик сўрайди ўзбек  
Тинч бўлсин дейди доим, шу она Ер, кенг осмон.  
Тинчлик билан оламини гулга ўрайди ўзбек

Кўзголса гар тўхтатиб бўлмас уни ҳеч қачон.

## **СИРДАРЁЛИКЛАР**

Абдуллажон Турдикуловга

Мард қилмас кўнгил тўлмайдиган ишни  
Мард қилар Худо қўллайдиган ишни.  
Буюқ меҳнат билан бўлмайдиган ишни  
Бўлдириб кўяди, сирдарёликлар!

Куч-у гайрат келар қари-ю ёшга  
Уйган хирмонлари етар қуёшга  
Бир оз қия қилиб дўппини бошга  
Қўндириб қияди, сирдарёликлар!

Хар бири биринчи, хар бири донгдор,  
Хар бири ўзидан қилгай ифтихор  
Хар бирида қуёш янглиг олов бор  
Ёндириб суяди, сирдарёликлар!

Ватан бошидаги бу тож диёрни  
Алкамаган борми, мактамаган борми?!  
Қулиб қарамоққа Парвардигорни  
Қўндириб қулади, сирдарёликлар!

Ўзбекнинг Сирдарё деган эркасин  
Ҳеч қим текқизмаган ерга елкасин  
Доим беш кетади, ҳиммат режасин  
Дўндириб юради, сирдарёликлар!

Менга севимли у, севгилимдайин  
Севгим ортиб борар, севганим сайин.  
Сипқорсамда яна, севгининг майин  
Тўлдириб қуяди, сирдарёликлар!

## **САНЪАТ МАДҲИ**

Санъат — бу ҳаётнинг зийнати эрур  
Элдаги баётнинг ҳикмати эрур  
Дилдаги фарёднинг хизмати эрур  
Илохий илҳомдан яралган диёр-  
Санъат — юракларда юксалган баҳор.

У замон сахнига жило-ю сайқал.  
У инсон шаънига қўйилган хайқал.

У жахон ахлининг йўлига машъал!  
Мехру мухаббатнинг забони санъат.  
Эзгулик йўлида мангулик байъат!

Санъат даргохида талабалар биз.  
Эртанги зафарлар, галабалар биз.  
Пойида килиб тўй-тантаналар биз!  
Санъатинг оламга этармиз дoston.  
Эй, санъат ўлкаси жон Ўзбекистон!

Санъаткор ахлида нурдан иктидор  
Уни Худо суйган этган даъваткор..  
Олам халки килгай ундан ифтихор,  
Санъат — чаман бўлса тупрок санъаткор,  
Санъат — Ватан бўлса байрок санъаткор!

Элим, сен бор улуг санъат кўргони  
Элим, сен бор суюк санъат бўстони  
Юлдузларга тўлуг санъат осмони,  
Бор бўл, эй энг буюк шавкати бор эл,  
Бор бўл, эй энг буюк санъати бор эл!

## **АМИР ТЕМУР ИСЁНИ**

Кимки Оллох йўлида  
Жиход килса гозийдир.  
Куръон ушлаб кўлида  
Рахмону рахийм учун  
Карийм-у, хаким учун  
алийм-у, азийм учун  
раззок-у, фаттох учун  
хакам учун, хак учун  
латийф-у, рауф учун  
жалил-у, афувв учун  
гофур учун, нур учун  
захийр-у, кодир учун  
сабир-у, кабир учун  
рашийд-у, мажийд учун  
шахийд-у, хамийд учун  
важийд-у, вахийд учун  
хофиз учун кўнглида  
исён-у, иймон бўлса,  
Оллох бор-у голибдур!  
Оллох ёр-у голибдур!  
У тугилган ватанда  
хукм сурса гар кофир,

Ўралгайдир кафанга.  
Махкум шунга хар кофир!  
Енгар куч йўк ОЛЛОХни  
Якка Олампадохни!  
Ким хакка курбон бўлса  
Асло ўлим топмас у.  
Тупрок аро ётмас у.  
Ўазотдан нажот топгай  
Туганмас хаёт топгай!

## ХАЁТ БОГИ

Саргайган богларни кезаман сарсон  
Кайга кетди дейман кечаги бахор.  
Бир кун танимдан гар кетар бўлса жон  
Дод деёлмай хайрон колишларим бор.

Баъзан мева тугар, баъзан мевасиз  
Дарахтда айб йўк, қуриб колганда.  
Нега шўрликсан сен, зўрмас демангиз,  
У хам такдирга кул, ожиз бир банда.

Гохо чакмок урар, гоҳ довул босар  
Гохо кургокчилик, гоҳ урар сел.  
Шу бог каби мангу куткуда башар,  
Шу бог каби панох истаб яшар эл.

Гохо истакларинг ошмай амалга  
Гоҳ гариб колсанг, гоҳ колсанг нотавон.  
Бехос шак келтириб, тақдир азалга  
Бир-биринг устингдан кулма эй, инсон.

Неки бахт истасанг сўра Тангридан  
Дилда нажот ипин боглагин аршга.  
Гар Оллох жой берса иймон тахтидан  
Хазондай узилиб тушмайсан пастга.

Ўзинг бизни асра эй кудратли зот  
Сабр бер, токат бер кўз ёшимиз арт.  
Ахир биз учун бу ўткинчи хаёт.  
Ахир бизлар бахтли бўлмогимиз шарт!

Саргайган богларни кезаман сарсон  
Кайга кетди дейман кечаги бахор...

\* \* \*

Ўзин кўз-кўз килди бахор зийнати  
Гуллар атрин сочди, сочилмайсизми?  
Сизни кўрмок истаб, кўзим излади  
Айтинг, мени сира согинмайсизми?

Нахот, мумкин мени шунча кўп айблаш  
Шунча кўп айблашдан огринмайсизми?  
Йўлларни беркитган газабми, араз  
Айтинг, мени сира согинмайсизми?

Бир-бирин пинжиги кирмокда кушлар,  
Эркангиз эдим-ку, хотирлайсизми?  
Мен ҳақда кўриб ҳам бир ширин тушлар,  
Айтинг, мени сира согинмайсизми?

Айбсизлигим балки биласиз, келиб  
Энди кечирмокка, ботинмайсизми?  
Гина-жонингизга кетмасми тегиб,  
Айтинг, мени сира согинмайсизми?

Бахор келганида юриб тескари  
Кишнинг кучогига отилгаймизми?  
Севгим ортаётир согинган сари  
Сизчи, мени сира согинмайсизми?

\* \* \*

Севги эмас экан кўзингиздаги.  
Кечиринг, адашдим. Мен килдим хато.  
Алдади мен севган юзингиздаги,  
Коронгу кўнглимни ёритган зиё.

Насиб этган эди кайта яшармок.  
Кеча кирган эдим, йигирма ёшга.  
Яна бошга тушди юз ёшга кайтмок.  
Бугун тушди яна каримок бошга.

Кеча сизнинг билан эдим бахтиёр.  
Бугун юрагимда адоксиз хасрат.  
Килса ҳам бугунги кайгу мени хор,  
Аммо кечаги бахт учун минг раҳмат!

\* \* \*



Танграм! Бу чархи дун бунчалар айёр,  
Хеч ким менинг каби хайрон бўлмасин.  
Боримга шукур деб, турибман тайёр,  
Шархи гамим асло, достон бўлмасин.  
Илмни курол эт, сабримни либос  
Пир деб турганларим шайтон бўлмасин.  
Сен учун дўст бўлсин, ким дўст бўлса хос,  
Дўстим сени билмас, инсон бўлмасин.  
Кимни ардокласам, яхши деб хайхот  
Киёматда холи ёмон бўлмасин.  
Барокат нури-ла зарланмиш хаёт  
Захримни самон эт, исён бўлмасин.  
Ишончим хазинам, ожизлик фахрим  
Калбимнинг рохати ибодатдадир.  
Бор шавким, рағбатим, сенгадир Танграм  
Дардимнинг токати итоатдадир.  
Ер шари Аршингда заррадир зарра  
Мехрингдан мосуво хазон бўлмасин.  
Хар онда, хар қачон, минг бор, минг қарра  
Мадҳинг янграмаган замон бўлмасин!

\* \* \*

Ошиқ ахлига асли,  
Айриликсиз замон йўқ.  
Ёнганда хижрон фасли,  
Хайкириксиз забон йўқ.  
Юрак ўртанар гамда  
Не кўрмадим оламда.  
Ёрдан айрилмоқлик ҳам,  
Бор экан пешонамда.  
Ўтиб кетар дегандим,  
Баҳор фасли ёғди қор.  
Қанча ёниб севгандим,  
Шунча хорман, шунча хор  
Қанча бахтга зор бўлсам,  
Шунча эдим бахтиёр.  
Тақдиримга ташлаб гам,  
Энди ёгаётир қор  
Ёрга етмоқдан ўзга  
Ишқ ахлига армон йўқ.  
Ишқни тартиб этмоққа  
Қоида йўқ, фармон йўқ.  
Севги дарси бўлганда,  
Олар эдим сабоқман.

Маглубдирман бу фанда,  
Саводсизман, мухтожман.  
Ўам тубига чўкканман,  
Нажотдирсан — мухаббат,  
Сен келмасанг йўкдайман,  
Хаётдирсан — мухаббат!

## НИДО

Бахор келгани йўк, киш кетгани йўк,  
Бошимда офтоб-у, пойимда корлар.  
Яна кайлардандир келтирмоқда чўг,  
Кеча мени ташлаб кетган бахорлар.

Фарзандларим бордир, топмоқда камол,  
Шеър ёздим гоҳ илхом келган махали.  
Оллоҳ, сен уларни тарбияннга ол,  
Ўзим ёш болага ўхшайман хали.

Факат дўст орттирмоқ орзуим эди,  
Атрофимни зирхдай ўради душман.  
Танграм, не килмоқни билмасман энди,  
Энди сен яшашни ўргатадурсан.

Ўзинг шеър ёзмокка этарсан кодир,  
Шеър бер тонг сингари севимли, эрка.  
Элга шеър бермасам, эрк деган нодир,  
Сўз тўфони умрим совувар елга.

Танграм фазлинг буюк, кудратинг буюк,  
Факат шер зотидан тугилгандай шер.  
Ўзбек жавҳарида жон каби суюк,  
Тугилди дунёга зийнат Алишер!

Ўзбек табиатин хикмати мисол,  
Рамзи мисол шу тоғ, кир-адирларни.

Сен бердинг бу улуг миллатга тимсол,  
Амир Темурларни, Яссавийларни.  
Ким бўлгайман ахир сени унутсам,  
Хайбатинг, даъватинг унутсам хорман.  
Кўқларга кўтардинг ерга йикилсам,  
Ўзингга ўргатдинг, минг бор карздорман.

Карздорман дунёга келганим учун,

Бу ёруг оламини кўрдим, карздорман.  
Сенинг борлигингни билганим учун,  
Сенинг мўмин банданг бўлдим, карздорман.

Бир шеър бер таъзимим бўлсин мужассам.  
Зотан мўъжизадир сув, хаво, тупрок  
Зотан не яратдинг бари мукаррам,  
Яратгучи йўқдир сендан улугрок.

Зотан, сен бермасанг шоир не килар,  
Ўзин хар ён уриб чопгани билан  
Хар ким буюк, хар ким бек бўлар,  
Сенинг берганингни топгани билан.

Мулкинг эрур фалак. Бу чарх, бу даврон  
Ер-у кўк тавофда, тинмай урар бош.  
Миллатимга яна бергин шараф-шон.  
Менинг хам кўзимдан окизмагин ёш.

Ё Оллох, нолон-у, нотовонинг хам  
Бу хаёт қошида тизилгандир мард.  
Хар ўзбек, хар тонгда ичгайдир касам  
Бу буюк эл ичра, буюк бўлмок шарт!

## **РАФИКАМГА**

Биламан вақт кетди, бахтни йўқотдим,  
Бешафкат тонмоқда, ёнмоқда хаёт  
Бир умр йўлига бош қўйиб ётдим,  
Гўзал шеърлар ёзмок бўлди эътикод.

Сўз олами кенгдир, ёнмасанг беркдир,  
Хар бир сўз оловда, жоним гаровда.  
Тангрим, шоирлик бу — исён ва эркдир,  
Иймондир, бу — умр деган саробда.

Кимдир каср курди, ким бўлди донгдор  
Кимнидир кўксида тангадай нишон.  
Қўйлак келтирсам гар, севма — дедим ёр,  
— Севги рамзи эмас, бермок ошу нон

Шоир шеърин севмай, унинг мол-дунё  
Ва ўзин севишса шоирга алам  
Чунки, калбнинг буюк нурларин дахо  
Шоир ўз шеърида этгусидир жам.

Хакикий шоирнинг ўзидан кўпрок  
Шеърларин севишса — бу олий маком.  
Эзгу меваларин бермаса тупрок,  
Ер юзида хаёт этмасди давом.

Меъмор мактагандай курган биносин,  
Богларин алкаган сингари богбон.  
Юксакка чорлаган мангу маросим —  
Шоирнинг фахридир — шеър ила дoston.

Балки отадирман, ё ёрман ночор  
Бурчин бажармок шарт, бир бандадирман...  
Сен агар шеъримни севмасанг эй, ёр  
Барчанинг олдида шармандадирман.

Ўзимни севсанг-у шеърларимни хам  
Севсанг, демак эл хам севади бир кун.  
Демак, шеърим яшар бир куни ўлсам,  
Сен ва шу эл мени севгани учун!

### **НЕ БЎЛДИ...**

Не бўлди азизим, карагингиз йўк  
Кўзимга бокмокни кўрмаяпсиз эп.  
Кора кўзингизда жодуловчи чўг,  
Нахот ёниб турмас энди мени деб.

Гўё калбингизда кетаётир жанг  
Баъзан нотовонман, баъзан кахрамон.  
Умид ва хавотир ўртасида танг,  
Баъзан мен ёмонман, гох душман томон.

Севмок — йўлга чикмок тўфонлар аро.  
Гарчанд кисматимиз аён азалдан  
Билмасман юз буриб кетасизми ё,  
Ё Худо сизни мен учун яратган.

Согинчдан ўртаниб гох дилда фарёд  
Гохо хастахолман, гох хардамхаёл.  
Билмасман каердан топмокни нажот  
Кўзингизда балкиб турганда малол.

Азизим, гариблар дўстидир, дуо  
Йўк бизга тангридан ўзга мададкор  
Чин дилдан ёлворсак бергайдир Худо  
Сизга туганмас бахт, менга сиздай ёр!

## ГОХ ШОДМАН, ГОХИДА...

Гох шодман, гохида кўзга келар ёш,  
Гох ойда бўлсам ҳам Сизни кўрарман.  
Келсам, васлингизга беролмайман дош,  
Кетсам хажрингизда ўтман, ўртанган.

Гохо бир хис дилда инграйди нолон,  
Мен хорни бахтиёр этди мухаббат.  
Сиздай нурга лойик бўламан қачон,  
Ожизлигим ошкор этди мухаббат.

Гохида икрорман, гохо бекарор,  
Гохида чуқурда чинкирган гамман.  
Нега Аршингизда айланар агёр,  
Нега бошим чикмас арздан, аламдан?!

Севгилим, севсангиз шу менга хаёт,  
Шудир топганим бахт маржонларини.  
Севгилим, кетсангиз йўк менга нажот,  
Адоги бўлмайди армонларимнинг.

Севсангиз бўлгайман ҳар жангга тайёр,  
Ҳар жадалда голиб, ҳар он, ҳар қачон,  
Қудратли, енгилмас, мингта жони бор  
Сиз кутган, сиз орзу қилган қахрамон.

Гох шодман, гохида кўзга келар ёш.

\* \* \*

Айбим кўп, азоби хоритар гохо,  
Қурб етмай гох ўзни айблаи олмасман.  
Айбда қайта-қайта яшайман хатто.  
Терскай тушларимни хайдай олмасдан.  
Ана, ўраб турар мени халойик,  
ўзаб кўзларида, тош қўлларида.  
Кимдир ўқирар: У қатлга лойик,  
Айб ўзида кетар, у ўлганида.  
Лекин бир сас келар ҳукми холиқдан:  
— Ким Тангри қошида пок ва бегуноҳ.  
Аввал у тош отсин, отса розиман,  
Унинг борлигидан бўлайин оғох!  
Қуёш нур сочарди, қўк эди сўнгсиз,  
Хаётбахш ҳаволар таралар эди.  
Мен қанча қутмайин муте, ўқинчсиз,

Оломон тош отмай таркалар эди.  
Сўнгра ёлгиз колдим жазогох аро,  
Отилмаган тошлар колди уйилиб.  
...Ўзимни айблашдан чарчасам гохо,  
Шу бўшлик азоби келар куйилиб.  
Ожиз бўлиб элнинг ожизлигидан,  
Тангрини излайман тўкиб кўз ёшлар.  
Канчалар ёлворсам Хак илинжида.  
Бошимга шунча кўп ёгилар тошлар.

## ЮРАК

Ўзга сайёрадан келган бу юрак,  
Ўзга оламлардан келгандир бу жон.  
Бу махзун дунёда тугилмак, юрмак,  
Яшамак бир армон, туганмас армон.

Ўзга оламларда бўлса ватанинг,  
Ўзга оламларда бўлса мухаббат,  
Мана шу тупрок деб, шу хаётни деб,  
Алдансанг бир умр, алдансанг факат.

Ўзингни кўймокка жой тополмасанг,  
Кўкда бўлса ўзинг излаган ватан.  
Кишан бўлса замин, сен тонолмаган,  
Умринг келар кунинг бўлса бир кишан.

Кўкка кетмокликни истайсан, аммо  
Сен шахид эмассан, сенсан насли хор.  
Зеро, сен ўлдирсанг арзир бу дунё,  
Зеро, ўлдирмокка у доим тайёр.

\* \* \*

Эй, Худо! Йўлимдан кетдими омад,  
Ташвиш тутунидан кайтар нафасим.  
Ишларимдан кетмас фалаж аломат,  
Юролмай йиглайди хаста Жавхарим.

Эй, Тангрим! Маъзур тут! Онгсиз, билмасдан,  
Ёки билиб килган гунохларим кўп.  
Бугун бошим узра чарх киймалаган  
Рохатимдан кўра кийнокларим кўп.

Эй, Тангрим! Ёлворай, мушкулимни еч,  
Бардошимдан ортик айлама тахкир.

Кўзларим кўролмас кўргуликдан кеч,  
То рухим сингунча бермагин таъзир!

То кўркиб кутмайин хар келар кунни,  
То менинг касдимга чикмасин куёш.  
То бўғзимдан чикар энг сўнгги унни,  
Мадхингга кўллайн, мушкулимни ёз...

## ИКРОР

Аён бўлди барчаси,  
Не бор, бари илохий.  
Дил илохнинг шарпаси,  
Оят сингари олий.

Каро гамдан толганда,  
Сўнгги умид чекса "ох".  
Ойни кўриб колганда,  
Дерсан: — "Яратган Оллох".

Гох ўз зарраси янглиг  
Мурувватли этар ул.  
Ўздан кечиб гох ўзни,  
Гунохга этарсан кул.

Гохо гунох — викор, шаън,  
Чекмассан айбдан алам.  
Минг покланиб каросан,  
Фонийсан шул сабаб хам.

Факат рух азалий хур,  
Ва бокийликни каби.  
Калбни англаб бўлмайдир,  
Эгаллаб бўлмас калбни.

\* \* \*

Туш кўраман сени тунлари  
Ёнгинамда бўласан пайдо  
Силаш учун маъюс юзларим  
Сен келарсан дил-дилдан шайдо.

Айт, кайдасан якинми-йирок  
Юрагимнинг остидами ё?  
Вужудимда тинмайди титрок

Сени кўмсаб, бўлдим-ку адо...

Оппок гулдай ойдин хотира  
Зиё сочган окшомдадирман.  
Унутилмас, ёркин, бокира  
Хислар тошган айёмдадирман.

Хайр дея айта олмасман  
Кўзимда ёш, кўнглимда тўфон.  
Сендан бир зум айро колмасман,  
Ишкинг билан саклагайман жон.

Туш кўраман сени тунлари  
Ёнгинамда бўласан пайдо...

## **СЕНИ**

Мен сенинг олдингда кичкина одам,  
Биламан мен сенга сира ёкмадим.  
Сенга етаолмас, чопса бахтим хам.  
Сени каратолмас, кулса хам омадим.

Ёки изхор килсам мухаббатимни  
Энг катта кудратим кулайди абгор.  
Сенга кўз тиктирган эзгу дардимни  
Хасча олмаслигинг бўлади ошкор.

Лекин хали хаёт этмокда давом,  
Бир кунни мен сенга етмоклигим шарт.  
Сен учун ўнглайман ўзимни тамом,  
Сен учун бўламан ўн баробар мард.

Калбингга бир катра нур солмок учун,  
Кулларим хам ёнгай кайта ва кайта.  
Мен юзта бўламан юксалмок учун,  
Куйларим тугамай юзта хам найда.

Хар кун минг бор бўгар чорасизлигим,  
Хар кун мингта чора ўйлаб топаман.  
Сен кетар йўлларни коракўзлигим,  
Хар кун мингтасини минг бор ёпаман.

Сени севмокликнинг ўзи катта бахт,  
Сени улуглашдан толмайди юрак.  
Сенга етмоклигим бўлиб колса нақд,  
Эртак бошланар ва



мен ўлсам керак.

\* \* \*

Хонада ёнади хира шамчирок,  
Куй бўлиб учади лабингдан байтлар.  
Сен менинг шеъримни ўқийсан бироқ,  
ўамгин юрагимга солмайсан назар.

Оламини пойингга тураман ташлаб,  
Маликасан, бошим узра юрганда.  
Ахир, менинг ишким бир хасчалик гап,  
Сени, бутун бир халк, севиб турганда.

Маили сен кўкдаги юлдуз бўл, эркам,  
Юлдузлар хаёти бешафкат, каттол.  
Бир нафас самимий караб кўйиш хам,  
Инсоний севги хам келади малол.

Хеч кимни ўзингга якин олмайсан,  
Ўзгалар дардини куйлайсан осон.  
Мени адо килди, мен куйлолмаган,  
Сен менинг калбимда яратган дoston.

Сен менинг дилимда ёнгинсан буюк,  
Сенга садка бўлсин бу бечора жон.  
Сени севишимни кўшик кил суюк  
Сен уни куйлагин жон, Севаражон.

\* \* \*

Атрофингда мен сарсон  
Чиройлисан ҳаммадан  
Айтгил, сен менга қачон  
Севаман деб, айтасан.

Зир югурган ортингда  
Шахзодалар жуда кўп.  
Кел, ўшалар олдида  
Мен гарибни битта ўп.

Ошикларинг қасдлашган  
Сира чидаб бўлмайти  
Севаман деб айтмасанг  
Ўксик кўнглим тўлмайти.

Хуснинг ортар тобора  
Дод деярман хайратдан  
Айтгин қачон бир бора  
Севаман деб айтасан.

Пойингда минг ёлвориб  
Ишким килдим-ку изхор  
Сен ҳам бир бор дил ёриб  
Севаман деб айт, дилдор.

Атрофингда мен сарсон  
Чиройлисан ҳаммадан.

## ЎТИНЧ

Айт юрагим кайдасан, кайда юрибди хаёт?!  
Рухим дайди етимдай, эгасизми ёввойи.  
Менинг ўзлимга гўё, ўзимга ҳам етти ёт,  
Иродам ҳам жон берган, бўйсунмайди хавойи.  
Қачон соврилдим ахир, ўзагимни ёв урди  
Қайси санчилган тигдан, беҳуд, беҳушман, лоқайд.  
Нега менда қарахтдир Худонинг берган умри.  
Бир кун Худо олдида, нима деяжакман, айт?!  
Дунё, сенинг кўлингга кум зарраси сингари  
Балки одамлар жони беҳисобдир, бесанок.  
Аммо биргина умрим, ўзимга, ўлдиргани  
Бериб кўймасман токи, энг буюк бурч яшамок.  
Эй, шуур, онг бергувчи, тасаввур ёгдусида  
Хак кўзила хаётимга солалсайдим бир назар.  
Бир лахзага англай токи, мавхумот куткусида  
Ўз умримдан токи ўзим ўтганимни беҳабар.  
Токи уммон қаърига, бир куни чўқар бўлсам.  
Токи хаёт мени ҳам, бир кун кўрар бўлса кўп.  
Мен кўлимни чўзганда, токи кутқармаса ҳам.  
Хаётимда нимадир бўлсин уммондаги чўп...

\* \* \*

Мени кўриб қолганда  
Эгиларди бошларинг  
Юрагингда тоғ каби  
Яшарди бардошларинг

Севгингни такрор-такрор  
Нега қилмадинг изхор.

Мен барини билардим  
Менга айтарди кўзинг  
Мен Худодан тилардим  
Айбдорсан сен ўзинг.

Севгингни такрор такрор  
Нега килмадинг изхор.

Мана энди йирокка  
Кетаяпмиз айрилиб  
Зор бокасан, сен ёкка  
Каролмайман кайрилиб.

Севгингни такрор-такрор  
Нега килмадинг изхор.

Севгимизга кайтолмай  
Зор колсангда, бўл омон.  
Мен хам сенга айтолмай  
Рангларим бўлди сомон.

Севгингни такрор такрор  
Нега килмадинг изхор.

## **СЕН БИЛАН**

Кўкдан хаво эмас, бахт,  
Кўксимга куюлади.  
Хар битта тош, хар дарахт,  
Илохий туюлади.  
Бутун олам тортиш кучи,  
Юрагингда мужассам,  
Орзукаман, мен учун  
Калбинг, хар зарби карам,  
Сен билан бирга ё-ху  
Сояда куппа-кундуз.  
Кўкка боксам, кўкда ой-у,  
Кўринар сонсиз юлдуз.  
Хуш боксанг, нигохингдан  
Нурга тўлар сайёра.  
Тунд бўлсанг, ковогингдан  
Кор ёгади коп-кора.

\* \* \*

Тунлар осмонга бокиб

Ойни тополмас бўлдим  
Дилни оловга ёкиб,  
Кўзни ёполмас бўлдим.

Билмадим бу не савдо,  
Бўгзимда титрайди чўг.  
Сенга шайдоман шайдо,  
Чиройлисан тенги йўк.

Кўзларингнинг сеҳридан  
Гох сархушман гох нолон,  
Сўзларингнинг меҳридан  
Гохо хонман, гох бежон

Мўъжиза ардогида  
Такдир кулиб боксайди.  
Мухаббат кучогида  
Бир жон бўлиб ётсайдик.

## **ФАКАТ СЕН**

Сизни ардоклашди, сизни суйишди.  
Кўл чўзиб колдилар кўкка кўтариб.  
Кўз тикиб толдилар, кулдай куйишди.  
Васлингиз ахтариб, ўн мингта гариб.  
Юракни тилдилар, тилишар хамон,  
Суюкка кадалди санчилган пичок.  
Сизга етмок армон, сиздан кетмок армон,  
Бирок ечилмас сиз бойлаган сиртмок.  
Сиз жуда гўзалсиз, бўлмайдиги чидаб,  
Кутурар, ингранар ўртанган жонлар.  
Бир лахза тин олмок учун чинкираб,  
Какшаб, Сиздан изн сўрар бўронлар.  
Сизни севиб бўлмас, севиб колгандан,  
Пойингизга кулар симёгочлар хам.  
Томокда чўг ёнган, дард ўтиб жондан  
Симоб симирмокда тўк хам, очлар хам.  
Сизга тараф йўқдир, бас келгувчи йўк,  
Бахс килгувчи йўқдир, килолмагай арз.  
Сизга бир бокканга ёгар мингта ўк,  
То нафас узгунча, узолмагай карз.  
Сиз-хурсиз, хуснингиз нурдан яралган,  
Машхурсиз, расмингиз минг-мингларда бор.  
Сиз кетган тоғларда корлар корайган,  
Сиздан дастхат сўраб излайди бахор.  
Минг бор танг колдирган хоритган, кувган,

Тахликада тутган пойлаб сахарда.  
Куёшсиз. Умид ва кўркувда турган,  
Туни бўйи нажот кутган Кайсларга.  
Сизни севганларга айламанг шафкат,  
Нафрат ва газаб-ла ўтда ёндириг.  
Факат, менда сизга лойик мухаббат,  
Ёнингизда факат мени колдириг.

\* \* \*

Тобора гуриллаб ёнмоқда олов  
Тобора каттарок, тобора кенгрок.  
Тобора ўзимга билмасман аёв,  
Тобора каттарар кўксимда ингрок.

Тобора пойингга боряпман чўкиб  
Тобора адашиб, тобора сармаст.  
Тобора сен менга азизрок бўлиб,  
Ўзимдан тонмоқка килмоқдаман касд.

Тобора хуснингга телбаман-телба,  
Тобора бошимга урмоқда кисмат.  
Тогдай рохатимни совурдим елга,  
Ўрнига топмадим хасча халоват.

Туйгулар ёнмоқда, идрок ёнмоқда,  
Ёнмоқда шиддатли, тобора асов.  
Бир жонсарак нафас сарсон томоқда.  
Тобора гуриллаб ёнмоқда олов.

\* \* \*

Мен сени согиндим, жоним кайдасан  
Сени ахтараман телефонларда  
Биламан, сен кўлим етмас ойдасан,  
Кўрингинг келмайди, биз томонларда  
Кўзимнинг олдида юргин, ўйнагин  
Тўёлмай куяй сен сочган чиройга.

Согинчдан ўзимни кайга кўяйин,  
Зорман, етолмай сен яшаган ойга.  
Овозинг келади гўё самодан  
Гохида шўху шаън, булутли гохо  
Ернинг бор жавхарин ваъда  
айлайман,  
Аммо тунд авзойинг, ўзгармас асло.

Билиб кўй, бир куни тугар токатим,  
Бир куни барига бераман бархам  
Гарчанд, сенга сира-сира ёкмадим  
Забт этаман бир кун ойни,  
Сени хам.

\* \* \*

Сени кўрмок бахор, ўйламок бахор  
Музлар эригандай, кўзларимда ёш.  
Мен сени йўкотиб, бўламан абгор  
Мен сенинг пойингда гуллайман кийгос.

Дунёда калб нима, юрак нимадир,  
У сенинг хуснинг-ла ёнгувчи чирок.  
Гохо юрагимни ерга кўмадир,  
Умрим минг йилларга кискартар фирок.

Бунчалик тез ўтиб кетма, бахорим,  
Умрим бор-йўги бир лахзадан кам.  
Бир лахза англайин сен билан борим,  
Сўнгра йўклик сари бошлаб кетар гам.

Сўнгра бари тугар. Балки дунёга,  
Минг йилдан кейин хам келмасмиз такрор.  
Лахзалик умримни бурка зиёга,  
Эй борлиги бахор эй, багри бахор.

\* \* \*

Биздан бўлак хеч ким йўк,  
Бўлса шундай сайёра  
Сенга севгим айтардим  
Хар лахзада минг бора.

Муаттар чаманзорда  
Сен осмон мен ер бўлиб  
Юз йилларки ўтирсам  
Кўзларингга термулиб

Согинчларим билмай дош  
Ёнгинга айланса гар  
Ундан миллионта куёш  
Исинарди мукаррар.

Сенла ёлгиз колсайдик,

Биздай куйган кайда бор.  
Яна минг йил яшардик,  
Яна минг бор бахтиёр.

\* \* \*

Сен менинг кошимга келасан хасдай  
Энг сўнгги нафасдай  
хакир, нотавон.  
Кўзимга бокасан  
кўзингни ёшлай  
Кўз ёшинг кўксингни  
кийнаётган кон.  
Меҳрга бунчалар  
зорсан, абгорсан  
Сен — богда довулдан какшаган бахор.  
Меҳр деб, жон бермок  
учун тайёрсан.  
Тайёрланган сари бўлмокдасан хор.  
Сен менинг ёшлигим  
болалигимсан  
Ўзимсан —  
мен сени йўкотган дайди.  
Сен каби, кимга гар  
жон нисор килсам,  
Ётсан, бегонасан дея хайдарди.  
Севгилим бўйнингдан  
кишанларни ол,  
Кўзимга мўлтираб бокма  
чалажон.  
Кел, менинг жонимда султон бўлиб кол.  
Гарчандки жонимиз  
хазондан арзон.  
Качонки биргамиз,  
шоҳмиз, султонмиз.

Севгининг беармон  
сайёрасида.  
Качонки айромиз...  
хормиз, ёмонмиз  
Такдирнинг саргардон  
гамхонасида.  
Сен менинг кошимга келасан хасдай  
Энг сўнгги нафасдай  
хакир, нотавон.

\* \* \*

Мени кучлирок сев, кечагидан хам.  
Керагидан ортик, кечагидан кўп.  
Кеча колмас эди, юрагимда гам.  
Кеча севар эдинг, керагидан кўп.  
Хар лахза юз бора мени сўзлардинг,  
Ларзага тушардинг хар лахза юз бор.  
Юзларинг кўкариб, юз бор бўзлардинг,  
Юз бор улуглардим, юз бор бўлсанг хор.  
Бугун хам сен мени кечагидай сев,  
Кеча уни сендан сўрамагандим.  
Эртага емасин юрагимни дев —  
— Кечани кўмсаган азиятларим.  
Кеча сен мен билан эдинг хонзода  
Мен хамон мухаббат элтган ойдаман.  
Мен билан бирга бўл сархуш фазода,  
Кечагидай сев ва кетма самодан.  
Кок икки бўлиниб кетмасин фалак  
Кок икки бўлиниб, бўзламасин ой.  
Факат сени дея уради юрак  
Факат сен учундир кўксимдаги жой.

\* \* \*

Согиндим кўзимда ёш  
Тунга айланди кундуз.  
Осмон хам коп-кора тош  
Йўқдир бирорта юлдуз.

Зулмат увлайди узун  
Айт, азизам кайдасан.  
Тун тугамас мен учун  
Качон кунга кайтаман.

Мени чаккандир илон  
Бир бор кара кўзимга.  
Хали ўлмасман ишон.  
Келиб олай ўзимга.

Хали бахт хар ерда бор  
Кутмокка бор бардошим.  
Сени согиндим, дилдор  
Артиб кўй кўзда ёшим.

**ТАРЗ**



Хавфли менинг  
яшамок тарзим.  
Зардаларим ўзга-ўзакка.  
Мен шодликни гамдан  
ахтардим.  
Захар бердим  
хаста юракка.

Мен хаётни севмоклик  
учун  
Ўлим билан ўйнашдим  
махтал.  
Кўзларимда йўк эди, учкун  
Чакнади у,  
келганда ажал.  
Каршилаи деб,  
сахарни  
Тунда уйгонган каби.  
Зафар учун, хатарни  
Яратмоқдир матлабим.

Умрим сўкмоқларида,  
Менга асло йўк, нажот.  
Сен борсан, сиртмоқларда,  
Сени севаман, хаёт!

\* \* \*

Бир сир бор оташдир чўг каби  
У асло бўгзингдан кетмасин.  
Севгининг, бор ёлғиз талаби,  
Сев, аммо севаман демагин.

Ишк — асли азалдан дард эрур,  
Хасталар ҳеч қачон ёнгмаган.  
Чох ичра аламли шарт келур,  
Шох каби демагин — "Севаман"

Шодлигинг ортмайди айтсанг гар,  
Ва ёки камаймас дилда гам.  
Сохтага айланар муқаррар,  
"Севаман" демагин севсанг хам.

Айтилар у севги сўнганда  
Ё йўклиги бўлганда аён.  
Ва ёки поймана тўлганда

Бу калом айтилар, сен ишон.

Мен хам кўниб калбим арзига  
Ишким сўзлаб, килгум бор даъво.  
Аммо айтмок севги хакига  
Хиёнат ва энг огир жазо.

\* \* \*

Кел, кўнгил учун хам яшайлик бир кун,  
Бир кун сен мен билан кетгин хушингдан.  
Жисмимизни дорга осайлик бир кун,  
Бу кун айём бўлсин калблар кўшилган.

Гарчанд кўзларингдан гўзал хусн йўк,  
Гарчанд ишратингдан айш йўк яхширок.  
Умрим бино бўлиб, куйиб шу кадар,  
Гарчанд мен бўлмадим бундан бахтлирок.

Гарчанд лабларингни истайман хали,  
Гарчанд тўлгонади тунлар вужудим.  
Савдойи лаззатни кўмсар махали,  
Гарчанд ҳеч туrolмас бўлиб, тиз чўқдим.

Аммо сенинг калбинг баридан хушдир,  
Кел, кўнгил мулкига айлайлик сафар.  
Мухаббат — елларга соврилган тушдир,  
Шу туш умр бўлсин, азиз, мунаввар.

## **МУХАББАТНИНГ СЎНГГИ ТУНИ**

Мухаббатнинг сўнги туни  
Колиб кетдим, холсиз, кеч.  
Пичирладим кучиб уни:  
"Кайтмагайман энди ҳеч.

Сен жисмингни бердинг, аммо  
Биламан, сен севмассан!".  
У хам деди: "Севма асло,  
Сен меники эмассан!

Кетгин майли, кетсанг мен хам,  
Севмаслигинг билардим.  
Мен хам сени, сен кетган дам,  
Севмокни бас килардим."

Аста ёпаман эшик,  
Кайтмайман деб хеч қачон.  
Йўлидан адашган ишк,  
Кимларни қилмас сарсон.

Ташкарида кезар шамол,  
Дайди ҳаёти билан.  
Яшамок келар малол,  
Муҳаббат ёди билан.

Кўчадаги шамолнинг  
Ҳаёллари савдойи.  
Севги деган малолнинг,  
Бўлдим-ку мен гадойи.

Фазо тортар ўз ўкига,  
Гир айланар осмон.  
Муҳаббатнинг чўгига,  
Дил хайдалар беомон.

Кетар одам кетади жим,  
Кетиб қайрилмас экан.  
Багри қуйиб севса ким,  
Севиб, айрилмас экан.

\* \* \*

Нулуфаржон, ўтирасан хуркаккина,  
Шудринглар ҳам ўпмаган ок гулдеккина.  
Жавдирайсан, жавобини билолмайман,  
Юрагингда, юзларингда юзта гина.

Қачонлардир бола эдим ўйинқарок,  
Бегам эдим, муҳаббатга бўлдим ўрток.  
Хар онимга мингта малхам кутган бўлсам,  
Хар онимга ташлаб кетди минглаб қийнок.

Агар сени севмасалар не чорам бор?  
Сен хурлардан покизасан соф, бегубор.  
Нурдай тоза юрагингга қараб туриб,  
Муҳаббатнинг буюқлигин кўрмок дарқор.

Сен севмасанг, демак, бизлар арзимаймиз,  
Хар хавасни севги дея бахс қилгаймиз.  
Кетолмаймиз, олиймаком бахтсан, зеро,  
Минг йил тавба-тазарру-ла етолмаймиз.

Ишонганим кўпдир, зотан дўстга бойман,  
Дур келтириб беришади, айтсам ойдан.  
Факат мангу мухаббатни ахтармадим,  
Тополмаган уни ҳеч ким, ҳеч бир жойдан.

Нилуфаржон, жавдирайсан гариб, хуркак,  
Шудринглар ҳам ўпмаган, оқ,оппок гулдак.  
Бир умрга севишсалар арзийсан сен,  
Нетай, йўқдир ҳеч кимсада ундай юрак.

## ДРАМАТИК ХАЗИЛ

Хотин ботиб терга  
ўшкирар эрга.  
Кимга сиз эрка?  
Хайдашди ишдан  
ўзингизга ичдан  
ўзингиз душман.  
Кеча-ю эрта  
бошни эгиб ерга  
ботгансиз шеърга.  
Кечинг бу юмушдан  
чиколмай кишдан  
ўлмайлик очдан!  
Дедим: Хотин кўп  
урма дўк  
кўнглим тўк.  
Чеки йўк армоннинг — кулиман  
Эрки йўк инсоннинг — дилиман  
Тилиман — давроннинг  
Шеър билан кўксим чўг.  
То кимки сўзлашга топмайди илож  
То борки корни оч,  
то борки мухтож  
хаттоки бошида бўлса хамки тож  
барчаси шоирга сезар эhtiёж.  
Сўз билан яралган олам азалдан.  
Сўзидан кайтмаган одам аталган.  
Кайдаки бор бўлса юксалган Ватан  
Шоирга эhtиром билан каралган.

Гар кимда дард бўлса — дармондир шоир  
Гар кимки мард бўлса — калкондир шоир.  
Ким маош тўлабди асаларига  
Табиат яратган -даврондир шоир.

Элим айтиб юрса кўшиқларимни  
Шеърим сурур берса нахорга ўхшаб.  
Чечакдай гуллаган туйгуларимнинг  
Бахосин ҳеч қачон бўлмади ўлчаб

То ўлмаи қирқилмас қулидан ризқ ҳам  
Дарё- беминнатдир  
Илохий ишқ ҳам  
Шоир иши қай баҳор  
хизматидан қам

Пулим йўқ деб булбул чекибдими гам!  
Эй, ёр йиглайверма, тўқмагин кўз ёш  
Ризқ истаб ҳар қасга урмагайман бош .  
Холис хизматимга қилмай эътироз  
Худо ўзи ҳар ой тўлагай маош.

Биз қутмаган чоғда, нурли товоқда  
хурлар ризқимизни ташир ҳар ёқдан...

## **ТАХСИН**

Менга гоҳо қулиб, гоҳо бокмаган қиз  
Кўчангизга умид билан қелганман.  
Сиз жуда қиройли, қўл етмас юлдуз,  
Заминда гўзал йўқ, сизга тенглашган.

Сизнинг кўзларингиз юрагимдадир  
Юрагимга қириб қолгандай қуёш.  
Танимни қовуллаб ёндираётир,  
Айтинг, қай тарафга олиб қетай бош?!

Хушим қўққа учган, сўнгсиздир осмон,  
Ёр шари мен учун, энди митти тош.  
Ўзимга қелолмай қурибман қарсон  
Сизнинг қойингизга урмоқ учун бош.

Вазнсиз фазода абгор, овора  
Муаллақ учарман йўқ менга нажот.  
Сизни севмасликка йўқ менда чора  
Севган қари тугаб қормоқда ҳаёт.

Менга гоҳо қулиб, гоҳо бокмаган қиз  
Кўчангизга умид билан қелганман.

## **ХИРГОЙИ**

Бирпас рухни уйготиб  
Дилда колмай даъвоси  
Товушлар тинаяпти,  
Сўнаяпти садоси.

Эркин нигоҳ ташлар киз  
Кўча-кўйда, ўтарда,  
Энг ожиз, энг бахосиз  
Изхорни унутарман.

Куни бўйи кўрганим  
Тасвирларнинг хотирин  
Бандиси бўлсам хамким  
Унутилар охири.

Танбал лошдан хайдалиб,  
Тамасиз туман бўлсам,  
Ё учкунга айланиб  
Лахзалик кўрдай сўнсам.

Сокин елнинг эпкини  
Кўзгар масъум истакни  
Севдим ёввойи эркни  
Ва кайгусиз кисматни.

Дунё хаёлларининг  
Заррасин колдирмайин  
Дарди йўк эпкин бўлсам,  
Элни севсам нурдайин.

\* \* \*

Бу орзумас, согиниш холос,  
Бу орзикиш, ниҳояси йўк.  
Бу тўликиш, фидоликка хос,  
Бу висолдир, паймонаси йўк.

Олов бўлмас бу маъюс истак,  
Тугамайди аммо гурбати.  
Бир савдойи хаёл сингари,  
Йўклик сари бу ишк журъати.

Истамам гох ундай сазони,  
Аммо бўшай олмайдир кўксим.  
Мен БАХТ дея жабру жафони,

УМИДларнинг захрида ўсдим.

Бир умрда бир бор бўлса ҳам,  
Софдир дилнинг бехос титраши.  
Дерман: — Качон топади бархам,  
Хаётимнинг алахсираши?

\* \* \*

Билмадим қисматми бизлар учрашдик.  
Кутган менча кутар, агар кутсалар.  
Тўфон гирдобида кушлар тўзгандек,  
Шодлик кайтди, кетди дайди гуссалар.

Учрашдик! Бағримда топдинг муддао.  
Туйгулар қувлар-у, ололмас етиб.  
Мен севиб кўлингдан ушладимми ё,  
Кўлингдан тутган сўнг, колдимми севиб?!

Билмам, нега сени колдим ёктириб,  
Билмам, нега сени яхши кўраман.  
Балки мен ўйлаган кизсан орзикиб,  
Балки алдоқчисан, мени ўйнаган.

Калбимда қарсиллар мамакалдирок.  
На ўйда қарор на танда ихтиёр.  
Сенга жон бермокка муштокман мушток  
Жонингдан жон олай, танингдан мадор.

Энди қанотим бор, кўклардан келган.  
Хаётим ҳам энди парвозда факат.  
Бахтли бўлмок учун инсон кашф этган,  
Энг буюк кашфиёт экан мухаббат!

\* \* \*

Мен сени эркалаб, суйиб тўймасам,  
Бир зумга кўзимдан нари кўймасам.  
Аммо айт, не сабаб бугун бўлмаса,  
Эрта мени ташлаб кетасан, жоним.

Термулиб хуснингга махлиёман мен,  
Тарки дунёман-у, калби дарё мен.  
Сузук кўзларингга айни даво мен,  
Кимларни ахтариб куласан, жоним.

Жонимга касд килиб кайтмайсан асло,  
Кайрайсан, бир хуш сўз айтмайсан асло.  
Лаблари болдайсан, алдайсан аммо,  
Качон таслим бўлиб келасан, жоним.

Пойингда колай деб айтган чоғларим,  
Ёкмадим, ер бўлди иштиёқларим.  
Сенга ёкса хамки хаммаёқларим.  
Нега мени ташлаб кетасан.

\* \* \*

Кўр йўкотар хассасин бир бор,  
Хушёр бўлгин яшамок учун.  
Хар кадаминг ташлагин хушёр,  
Гар бошингга келса каро кун.

Мен изгидим хар кун саргардон,  
Бир фалокат хар кун кутади.  
Бу киска, бу ожиз, нотовон,  
Умрим, билмам кандай ўтади.

Зеро, яшаш улуг бир айём,  
Лек унутманг, кўр ўтганларни.  
Каро кунда икки бор, бехос,  
Хассасини йўкотганларни.

\* \* \*

Осмонўпар исёнларим эди голиб,  
Шеър орзуси узокларга кетди олиб.  
Хароб килган саробимдан тониб, тониб,  
Тонмаганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!

Этак-чечак юриб колган Жавхаримсан,  
Худо берган омадим, шох асаримсан.  
Мен не ёзсам, билмаганим ёзадирман,  
Рост ярогим, сен бўлдинг-ку, эй болажон!

Минг турланиб, товланганим нур — мен курган умр,  
Хар шайтонга шукур айтиб, кўрдим хузур.  
Ўрним билмай, куфрларда юрдим — узр,  
Савоб ёгим, сен бўлдинг-ку, эй болажон!



Жим юролмаи, хайронману, хору сарсон,  
Ёлгонларим бўстон килар, ростим — вайрон.  
Бутун умрим, тўламокка етмас товон,  
Овунганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!

Адашганман, уммондаги бир хасдайман,  
Сўзим кайтган, ўзим сўнгги нафасдайман.  
Ўзга не сўз десам хамки, алдагайман,  
Согинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!

\* \* \*

Энди сўнгги тўхтамга келдим,  
Энди сендан кетаётирман.  
Кайдан куйиб шунчалар севдим,  
Ўз бошимга етаётирман.

Не хам дейин кетар махали,  
Кечир мени севганим учун.  
Йўл тополмай бадар кетгали,  
Шафкат сўраб келганим учун.

Кетма десанг, тамом бўламан,  
Кетма десанг, уйим куяди.  
Кетма десанг, ўзим ўлмасдан,  
Аза бўлиб, тўйим куяди.

Кечир мени, нега севилдим,  
Нега бунча ошик бўлдим мен.  
Сенинг учун кайта тирилдим,  
Ўзим учун нега ўлдим мен?

Кетма дема, дунё тескари,  
Айланмасин ишк уммонида.  
Тугамайлик бош билан юриб,  
Оёгимиз бўлиб осмонда.

## **КИЗИМ МАХФУЗАГА**

Кизим мухаббатдан яралгандирсан  
Калбим гавхарисан, жоним жавхари  
Сенинг бир ўзингда жамлагандирман  
Бу дунёнинг барча гўзалликларин.

Ўтган бари ўтди, ачинмайман ҳеч  
Гарчанд дилда хамон гам ила армон.

Бахт энди келмайди, энди бўлди кеч  
Сенсиз бўлар эдим хас каби арзон.

Нурдан сайкал йигдим, гуллардан асал  
Бўгзим конагунча кўкка ёлвордим.  
Сени кўрмок учун хурдай мукамал  
Мухаббат кўшкига минг бора бордим.

Фарходнинг севгиси жон олгани дам  
Гар Ширин бир пайванд этганда тортик  
Дунёга келмаган ўша кизча хам  
Сендан бўлмас эди чиройда ортик.

Сени кўрсам дилда гамлар арийди  
Мен сенинг борлигинг учун сармастман,  
Дунё, яшамокка энди арзийди  
Чунки яралгансан сен мухаббатдан.

\* \* \*

Иложсизман дея яшайди тушкун,  
Ўзга чорам йўк деб, юпанар холос.  
Билади бу юпанч, тобутдир бугун,  
Ўлгач, азоб учун бўлади асос.

\* \* \*

Бўгзимда бир йиги исмингни айтсам,  
Бахт деганлари хам аччик шаробми?  
Дунёга севмасдан юрганлар хакам,  
Севганларнинг холи мендай харобми?

Сен билан умримнинг гуллаб-яшнаган,  
Хеч ким учолмаган токида учдим.  
Аммо бугун тушкун, зор-зор какшаган,  
Иложсиз колганлар чохиға тушдим.

Чопай десам, энди оёқларим йўк,  
Сени топай десам, кўрмас кўзларим.  
Сени чорлай десам, томоқларим йўк,  
Узилиб-узилиб инграр сўзларим.

Титрок юрагига найза санчилган,  
Ўксик ва ташландик девонадайман.  
Бир-бир чиқаверар жоним халкумдан,

Хеч қачон келмайсан, даволамайсан.

Хаёт ёмон кўрмаганди мени асло,  
Балки багри тўла хали мурувватга.  
Хаёт билан хайрлашмоқ мумкин, аммо,  
Хайр дея айтолмайман мухаббатга.

\* \* \*

Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан,  
Пайгамбар кўксига тўлганди исён:  
Шундай юлдузларни яратиб қўйган  
Оллоҳга не учун ишонмас инсон!

Бугун ҳам самода юлдузлар ёнар,  
Кўнгил тунларининг юлдузлари йўқ.  
Улар-ўқ. Ўкинчдан йилт-йилт тўлгонар,  
Улар ўкинтириб ўлдиргали ўқ.

Хамонки самода юлдузлар ёнар,  
Дилнинг минг таъзимли нуфузлари йўқ.  
Самода кўк ёнар, офтоб тўлгонар,  
Олам ёруг, иймон кундузлари йўқ.

Ўофилга берилган хар лахза, хар он,  
Сомон йўлларидай узун мухлатдир.  
Юлдузлар эгасин билмаган инсон —  
Бу ёруг дунёда юрган зулматдир.

\* \* \*

Аёзли кун айланди,  
Булутли кун буралди,  
Кўринарли, тушунарсиз  
Кўникмалар яралди.  
Арча барги шапалок,  
Баргда лахтак кор.  
Таназзулда яшамок,  
Яхтак-яхтак ор.  
Хў, совукда музлаб колган  
Нур, шовкин-у, соялар  
Тушиб махкум ахволга,  
Сархушликни согинар.  
Хей,  
Хаво илгагига

Юрагимни осаман.  
Олиб кетсин керагича  
Кимки ўтса кўчадан.  
Мусикавий хаёл, ёху,  
Бахт куйини таратди.  
Самовий ишк сароб, огу,  
Нега уни яратдик?  
Шундай бўлди. Токи севсам  
Сизга кайтар йўлларим берк.  
Севмасликка кўймас аммо  
Рухдаги куч, дилдаги эрк.

### ЎТТИЗ ЁШ

Ўттиз ёшда эл шоирни танимаса гар,  
Кизга ўхшар, ўттизда ҳам чикмаган эрга.  
Ўттизда ҳам фарзанди йўк, йигитга ўхшар  
Энди шоир кўёлмайди айбларни шеърга.

Шеърсевар бу элда айб йўк кийдирмаса тож.  
Киз майлига ишки оташ элни дер айбдор.  
Йигит майли шу болажон халкка отсин тош,  
Аммо шоир ўзидан айб, излаши даркор

Балки унга берилмаган асли Худодан  
Вакти келиб балки ўзин олмаган кўлга.  
Балки кўзин узмагандир молу дунёдан,  
Балки юрган, шоир ахли юрмаган йўлга.

Балки эркин сотгандир у амалдорларга.  
— Асл шеърнинг овозидир — виждон овози.  
Ўзи билмай айлангандир, лаганбардорга,  
Хушомадда, иктидорнинг битган парвози.

Ундай касни ҳеч замонда кечирмайди шеър.  
Гар замонга айб кўйса ҳам ҳеч ишонмасман,  
Хар замонда шерлигига колаолган шер,  
Аммо кўйни ҳеч бир замон шер килолмаган.

Балки кизлар ўттиздан сўнг чикарлар эрга  
Ўттиздан сўнг уйланмоги мумкиндир инсон.  
Ўттизгача танилмаса шоир гар элга,  
Ўттиздан сўнг шоир чикмас ундан ҳеч қачон!

\* \* \*

Бир сония ичра тўсатдан,  
Эвазига ўлимнинг агар.  
Жаннат ваъда бўлса, ўлмасдан  
Юрмас эдим гофил, дарбадар.

Бир сония ичра бўлсайди,  
Бир зарб билан етишсам бахтга.  
Интиганим сонсиз лахзалар,  
Оркасида туюлган ахдга.

Аммо факат келар дакика,  
Аммо факат келади хукм.  
Ва юзага чикмас хакикат,  
Ва мен эплай олмовчи хужум.

Ва кўринмас бирор натижа,  
Ва аламга тўлгувчи умид,  
Ва фурсатни кутмок хамиша,  
Ва нусратга нолайик мухит.

Ва чидамнинг сўнги лахзаси,  
Ва тўхтатиб бўлмайдиган касд.  
Ва ожизлик, хўрлик азаси,  
Ва кайтадан терс кайтувчи шахд.

Олий бахтга интилсанг жондан,  
Хар сония йиллардай узун.  
Йиллар керак экан бир онда,  
Сўнгсиз бахтга етишмок учун.

\* \* \*

Мен билмайман бу кандайин ёзик бўлди,  
Кисмат йўлсиз сўкмокларда килди сарсон.  
Йўл тополмай кўзларимнинг нури сўлди,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен кимман-у дийдиёлар килдим нечун,  
Йўк бўлсам хам, ким изларди истаб нишон.  
Мен дунёга бир жилмайиб бокмок учун,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен хам бахтни кўрган эдим кайлардадир,  
Кўрмаганда яшар эдим, балки осон.  
Бол ўрнига кум тутмокда бугун такдир,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Балки йўлим очилади шунинг билан,  
Балки менга берилмаган ортик имкон.  
Кўзларимни бир кун ёпиб кўймасингдан,  
Пешонамни бир силаб кўй, эй онажон!

## **ДЎСТЛИК МАДҲИ**

Давраларнинг тожи-дўстлар давраси  
Диллар ором топар, юраклар хузур.  
Бундан кўкка ўрлар дўстлар хандаси,  
Кўкдан бу даврага ёгилади нур.

Хар йигитнинг дўсти бўлса мард бўлади,  
Дўстинг бўлган даври давронлар суюк.  
Дўсти борга бермок тан шарт бўлади.  
Дўст кадрили билган инсонлар буюк.

Сўз билан аслида мухтарам инсон,  
Сўз билан боғлайди жумла жахонни.  
Дўст билан аслида муқаррам инсон,  
Инсон деб бўлмайди дўстсиз инсонни.

Дўстлар барчангизга тилайман омад,  
Топганингиз факат тўйга буюрсин.  
Доим бахтли бўлинг, бўлинг саломат,  
Мардона кулгингиз жаранглаб турсин.

Бу олам сизники, сизники хаёт,  
Сизга тан берганман, барчангиз — дахо,  
Тилагим, дўстларнинг дўсти умрбод,  
Кодир Худо бўлсин, душмани — гадо

## **ИСТАК**

Ёруғ тушлар тилайман эркам,  
Бошингизда алла айтсин ой.  
Фаришталар куришиб байрам,  
Тахтларидан сизга берсин жой.

Нурдан бўлсин бу шохона тахт.  
Ёгдулари кўкка ўрлаган.  
Тангрим берсин сизга улуг бахт,  
Бирор инсон зоти кўрмаган.

Юлдузларнинг саногича хур  
Ой нурининг сонича малак

Пойингизда бош эгиб масрур,  
Хизмат килсин жонлари халак.

Икболида яркираб омад,  
Ул диёрга келса бир одам.  
Ўша кул — мен бўлсам саодат,  
Бўлмас эдим подшолардан кам.

Журъат топиб, бир куни хайхот  
Мухаббатим этардим аён.  
Бундай буюк ишкни одамзод,  
Кўрган эмас, кўрмас ҳеч қачон.

Ором олинг, азиз дилдорим...

\* \* \*

Нега мен ҳеч қимни менсимамай кўйдим,  
Юрибман ховликиб, кеккайган, магрур.  
Барчадан баландга кўйганман ўрним,  
Ҳеч қимда йўқ гўё, мендаги сурур.

Кеча синик эдим, юрагим қонаб,  
Ҳеч қимнинг кўзига қаролмасдим тик.  
Ўша мен демасман, ўзимга қараб,  
Йўқ, йўқ, мен эмасман, кечаги шўрлик?!

Кечаги шеърларим ёқмас ўзимга,  
Қиймайман кечаги қўйлақларимни.  
Жиддийлик ва вайрон бериб юзимга,  
Буюқ ўйлар босар кўкрақларимни.

Тошқиндай босади, тушларимни шеър,  
О, тушлар бунчалар моҳир шоирсиз.  
Ватанингиз эмас, бу юмалок Ер,  
Қўқдансиз, илохий Зотга доирсиз.

Ўзимни чоғлайман юксак юмушга,  
Ё вазир бўлганман, ёки қахрамон.  
Давр мен-ла ўсар ҳар қурилишда,  
Мен билан олдинга силжигай замон.

Маъзур тутинг, катта кетган бўлсам гар,  
Хурсандман мен бугун, хурсандман бу дам.  
Чунки, севиб қолдим, бир қизни дўстлар,  
Чунки, севиб қолган у қиз мени ҳам.

Юрибман ховликиб, кеккайган, магрур..

\* \* \*

Нега хаёт деган дилбарни севдим.  
Бўлдим болалиқдан хуснига шайдо.  
Нукрадай эканинг билмаган эдим,  
Замин ўн саккиз минг сайёра аро.

Замин бир заррадир кенг коинотда.  
Лекин инсон экан мангу ўлмас зот.  
Яшаркан фоний ва бокий хаётда  
У Тангрига кул ва банда умрбод.

Хар кимнинг хар куни, хар бир соати  
Хар они аввалдан ўлчанган экан.  
Тангрим, сенга бўлсин бор ибодатим.  
Тангрим, банданг бўлай доим сен севган.

Иймон нури ёниб турсин багрингда  
Адаштира асло тўгри йўллардан.  
Бахт бер, халоват бер тушкун калбимга,  
Бер, яхши хаёт ва умр ўнганган.

Солих фарзандлар бер, диёнати бор  
Уйимдан кетмасин файзу барокат.  
Бергин ифбатли ёр, садокати бор,  
Ва ота-онамни килгин саломат.

Тангрим сен буюксан, тенгсиз акбарсан  
Пойингда кўл чўзиб, дуодадирман.  
Арзим кўп, мен факат сендан сўрарман.  
Сенсиз яшай олмас  
дунёдадирман.

Яшаш завки бир он ташлаб кетмайди.  
Хар он хаёлимни яшайди чархлаб.  
Канча севсанг унга, шунча етмайди  
Тангрим, менга бергин дунёни шархлаб.

Омад бер, омон эт тахликалардан.  
Балолардан асра, титрок жонимни.  
Ёркин истеъдод бер, алангаланган —



Элга айтадиган дил тугёнимни.

Мухаббат бер калбда ёнгувчи абад.  
Дўстлик бер, дўст бўлсин кўз карогида.  
Зафар бер, бер менга голиблик факат  
Кадр бер, кўлласин эл ардогида.

Бер, бемор чоғимда шифои комил  
Бер, икки дунёнинг саодатини.  
Ўанимлар олдида ўзинг бўл одил,  
Бер, тўймас нафснинг каноатини.

Имкон бер, кондирай эҳтиёжимни  
Яна бир он билмам, яшарманми йўк?!  
Сен бир он берган бу ихтиёримни  
Бир ондан сўнг яна топарманми, йўк?!

Яна милён милён истакларим бор  
Яна милён милён умидвор инсон.  
Яна милён милён сайёралар зор,  
Сендан нажот кутар эй буюк Хокон.

Пойингда самовот, Ер ила осмон  
Халклар-у махлуклар руху малаклар  
Сенга сажда айлар то охир замон  
Мухаббатинг билан ёруг юраклар.

Ўзинг нажот бўлгин, ўзинг бўл панох  
Ишонганимиз сен якка-ягона  
Зотан сен истасанг биз бормиз Оллох  
Юз бурсанг Ер кўкдан колмас нишона.

\* \* \*

Сиз бунча яхшисиз, кўнглимни  
Шод этдингиз, сархуш, сармасман.  
Хар ён чопиб, энди ўзимни  
Кўярга жой топаолмасман.

Канча кутдим бу лахзаларни  
Неча йиллар уриндим нолон  
Юрагимда бахт ларзалари,  
Кўринмокда яшамок осон.

Кучга тўлдим мен фавкулудда  
Гадо эдим, шох бўлгандайман.

Энди келгандайман, хаётда  
Мен кайтадан тугилгандайман.

Атроф гўзал. Бокаман мафтун  
Гул-чечаклар очилган каби.  
Юзингизда балкиган хусн.  
Кенг оламга сочилган каби.

Мухаббатга эга хар инсон  
Яшаш сирин кашф этар экан.  
Севмаганлар, кул ва нотавон  
Келар экан ва кетар экан.

## **ХАВОТИР ВА ТАСКИН**

Тугамаган болаларча киликларим,  
Гох беодоб, гохида кўрс, гох саркашман.  
Гохо севиб, чикиб кетар иссиқларим,  
Бир муштдан хам, бир сўздан хам гох кайтмайман.

Ёшмассан деб дўстлар таъна килишади.  
Мени эса ўртар ўзга гам-кайгулар:  
— Бир кун айбим болаларим билишади,  
Нетаман сўнг, мен килганни килса улар?!

Шу ўй билан жиддий тортиб, бўлиб хушёр.  
Юрагимда, кўзларимда чакнаб учкун.  
Буюк ишлар килсам дейман мардонавор,  
Ватан учун, миллат учун, Худо учун.

Ёшсан дея, дўстларим боз кулишади,  
Мени эса ўрар ширин хис-туйгулар:  
— Бир кун ахдим, болаларим билишади,  
Менинг каби яшашади сўнгра улар!

## **ИСЁН**

Кетмоқдаман, аста-аста кадам ташлаб.  
Кетмоқдаман, махзун махзун, юрагим хун.  
Кун санадим, ўтаётган кунга караб.  
Сўнгги кундай бўлиб колди, хар келар кун.

Ўт ёкаман туни бўйи, тонгга пешвоз.  
Кўксимда чўг, бу хаётга тўйганим йўк.  
Кечагина мен кўлимга олганман соз.  
Хали уни ерга ташлаб кўйганим йўк.

Умр — жар бўйида яшамок кулиб.  
Бир кун зирхли тошлар сари куламок бор.  
Кўкка учмай, аммо хали кетмам ўлиб,  
Кетмай ўлиб, рахм килгин, Парвардигор.

Холсиз совиб бораётир баданим хам  
Захдан сўниб тинаётир танимда кон.  
Юзинчи бор, мингинчи бор, ёкканча шам  
Яшайман деб, юрагимда инграр исён

Кетмокдаман аста-аста ташлаб кадам.  
Барибир бор, йўл сўнггига етмок, етмок...  
Бу дунёнинг бор азоби — кичкина гам.  
Дунёда энг катта азоб — кетмок, кетмок...

## УЗР

Узр, савол берсам хар лахза юз бор  
Узр, ранжисангиз сўрокларимдан.  
Ташвиш-у аламда изламам бекор  
Куйиниб юрганим — ардоклашимдан.

Сиз гўзалсиз, сизга харидор мингта,  
Йўлингизни пойлаб тутадилар жон.  
Уларни одам деб билмасангизда,  
Кўнглимдан хавотир кетмас хечкачон.

Калб — гохо ўрмонда адашган оху,  
Зийрак караса хам тўртта томонга.  
Яхшилик касрини ахтаради-ю,  
Алданиб тушмоги мумкин копконга.

Жоним халак сизни асрамок учун,  
Душман мингта, менда мингта гам.  
Шул сабаб, тинчлик йўк менда туну кун  
Кўзимни узмайман сиздан сира хам.

Хар он юз бор кўрсам, юз бор мен шайдо.  
Шул сабаб телбарок, бахтлирок, кайнок...  
Яна кўпрок севмок мумкин-у, аммо  
Сизни севиб бўлмас хеч қачон камрок...

## ШУБХА

Шаънингизга кўп бор шеърлар битилган,  
Тинглагансиз кўнгил изхорларин хам.

Мен чопган, бу йўллар босиб ўтилган  
Мен балки, кейинги, иккинчи одам...

Кўзингизга кимдир олдин тикилган,  
Мен айтган сўзларни айтган олдинрок.  
Пойингизга ожиз бўлиб тўкилган,  
Хор бўлган, биринчи бўлган у биров...

Нолаларим балки такрор туюлар,  
Қачондир, кимдандир эшитгандирсиз.  
Балки, — "Сизда ёнган олов туйгулар  
Қалбимни ёккани кечиккан", — дерсиз.

Мен кимман, дунёда шахзодалар ҳам  
Босишар, кимлардир босган изларни.  
Илоё, севмасин бирорта одам,  
Қачондир, кимлардир севган кизларни.

## **ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ**

Само китобида минг йиллар бурун  
Тақдир деганлари ёзилса агар  
Сенинг ҳам тақдиринг демак мен учун,  
Азалдан жонажон экан муқаррар.

Қимлар шаҳарларни забт этди — қисмат  
Қимлар қуриб битди, мангулик қаср.  
Менинг пешонамга ёзилган зийнат,  
Сенинг юрагингга бўлмоқлик асир.

Ёр учун Қуёшни яратди Холик  
Юлдузлар ҳам тунни ёритмиш масрур.  
Мен учун сен бўлдинг нурафшон борлик  
Умримни ёритди кўзингдаги нур.

Йиллар тўзонида мен кимман — ҳасман  
У кун ҳас танимдан қолмаса нишон  
Қайта яшамокни орзу қилмасман.  
Сени асрамоқни қиларман армон.

Дерлар, у дунёда толе чопса гар,  
Чин дўсту ёр яна бўлмай жамулжам.  
Зеро, шунинг учун жаннат мунаввар,  
Қўлингдан тутганча югуриб юрсам.

Бахтлиман, шу етар, эмасман хайрон

Кеча келган эдим, эрта кетарман.  
Инсон ўлмас, факат тарк этади жон  
Шу бокий жон билан сени севарман.

\* \* \*

Сизни севиб колдим. Минг бора узр.  
Кечиринг, осилдим мен баланд дорга.  
Кечиринг,  
сиз мисли  
фалакдаги хур,  
Карар эдингизми  
ердаги хорга.

Сизни деб, туну кун танимда титрок  
Сизни севиб колдим, жонимдан ортик.  
Юракни гулдаста килиб бир кучок,  
Кабул киласизми этсам гар тортик?!

Айтинг, мен кимман-у,  
нима жоним бор.  
Арзимайман ковок  
уйишингизга.  
Ўзимни ўзим еб тугатгум  
абгор  
Менга бир зум бокмай  
кўйишингизга!

Биламан сиз жуда юксаксиз юксак  
Кўзларингиз кўкдан менга бокармиди?  
Сиз хатто осмонда ягона малак,  
Ердагилар энди менга ёкармиди!

Кечирманг,  
лутф этиб карасангиз шўх  
Сизни энг бахтли киз  
эта олмасам.  
Кечирманг, севганим учунмас  
йўк-йўк,  
Сизни сиз кутгандай  
сева олмасам!

## **МУХОКАМА**

Баланд уйнинг багрида

Яшарди юз хонадон,  
Бир бола, уй тагида  
Кимнидир излар сарсон.

Ишкни килмоклик изхор,  
Эскирмаган сингари,  
Тун бўйи юрди бедор,  
Кўлларида гуллари.

Тонг хам отди у эса,  
Гох юрар, гох тўхтайди.  
Кимдир: — Бу севги — деса,  
Кимдир хамон ухлайди.

Шу кеч аёлу эркак  
Бўлинди икки томон.  
Эркаклар дер: — Бу, тентак...  
Аёллар дер: — Кахрамон...